

Ўғрининг тавбаси



08:04 / 26.09.2020 2768

Вухайб ибн Вирддан ривоят қилинади: «Ийсо алайҳиссалом бир ҳаворийлари (*Ҳаворий – Ийсо алайҳиссаломга иймон келтирган саҳобий*) билан кетаётиб, қалъада яшайдиган ўғрининг олдидан ўтиб қолдилар. Ўғри уларни кўргач, Аллоҳ унинг қалбига тавба қилиш туйғусини солиб қўйди. У ўзига ўзи: «Бу Ийсо ибн Марям алайҳиссалом, ёнидаги эса унинг ҳаворийси. Сен бадбахт кимсан? Бану Исроилнинг ўғриси бўлдинг, қароқчилик қилдинг, мол ўғирладинг, қон тўкдинг», деди-да, турган жойидан пастга тушди. Уларга етиб олгач, ўзига-ўзи: «Сен улар билан бирга юрмоқчимисан? Сен бунга лойиқ эмассан. Уларнинг ортидан хатокор, гуноҳга ботган кишидек юриб бор», деди. Шу пайт ҳаворий унга қараб, таниб қолди-да, «Манави ифлосни қаранглар, ортимиздан келишига бало борми?» деди.

Аллоҳ ўғрининг қалбидан ўтган надомат ва тавбани ҳамда ҳаворийнинг ўзини ўғридан устун қўйганини билиб, Ийсо ибн Марям алайҳиссаломга ваҳий юборди. Унда ҳаворий ҳам, ўша Бану Исроиллик ўғри ҳам барча амалларини янгидан бошлаши ҳақида буйруқ бор эди: «Надомат ва тавбаси туфайли ўғрини мағфират қилдим, ғурурланиб, тавба қилган одамни менсимаганлиги учун ҳаворийнинг амаллари ҳабата бўлди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан